



БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ БЎЙИЧА АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Нишонов Элдоржон Музафар ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Тарбиявий ишларни ташкил этиш ва мукофотлаш бўлими бош
инспектори

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-уй

E.mail: eldorjon199209@mail.com

Илмий мутахассислиги: 12.00.09 – Жиноят процесси.

Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси.

УЎК: 343.593:343.98.068

ORCID: 0009-0004-9898-653X

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10610279>

ARTICLE INFO

Received: 24th January 2024

Accepted: 30th January 2024

Online: 31th January 2024

KEY WORDS

Безорилик, гумон қилинувчи,
далиллар, хориж тажрибаси,
тергов қилиш, жамоат
тартиби.

ABSTRACT

Мақолада Буюк Британия, Япония, Россия Федерацияси, Ҳиндистон ва Қозоғистон Республикаси каби давлатларнинг безорилик жиноятини тез ва тўлиқ очиш, уни содир этган шахсларнинг айбини фош этиш, бу турдаги жиноятлар юзасидан ариза ва хабар келиб тушганда кечиктириб бўлмас ҳаракатлар, гумон қилинувчи (айбланувчи)ни сўроқ қилиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, далилларга баҳо беришга доир халқаро ҳужжатлар талаблари ўрганилиб, улар асосида миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Хусусан, АҚШда безорилик жиноятини содир этган гумон қилинувчидан тўғри кўрсатув олишга қаратилган “Беш тактика” деб номланган сўроқ қилиш усулидан ҳамда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида инновацион технологиялардан кенг фойдаланилиши, АҚШ ва Буюк Британияда кибер безорилик жинояти учун алоҳида норма мавжудлиги, унинг энг кўп содир этиладиган жойлари ва содир этиш усуллари, шунингдек улар бўйича ўтказиладиган тергов ва процессуал ҳаракатлар ўрганилиб, уларни миллий қонунчилигимизда акс эттириш орқали тергов амалиётига жорий этиш лозимлиги ҳақида хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонида мамлакатимизнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ролини ва жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз имиджини ошириш тараққиётимиз стратегиясининг мақсадлари сифатида белгиланди. [1] Шундай экан,



безорилик жинояти бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу борада биз ҳар куни изланишда бўлишимиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилишимиз лозим. [2]

Аксарият тадқиқот ишларида хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиниб, ривожланган мамлакатлар босиб ўтган ислохотлар босқичи натижасида шаклланган янгиликларни аниқлаш ва уларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масалаларига эътибор қаратилади.

Биз ҳам илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишни мақсад қилдик. Чунки, хориж давлатларининг тажрибадан ўтказган самарали амалиётини ўрганиш ички ишлар органлари тергов бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Бу борадаги С.Н.Гордеевнинг фикрлари ўринли, чунки хорижий давлатлар тажрибасини илмий-асосланган ҳолда таҳлил қилиш миллий тизимдаги кучли ва заиф томонларни аниқлашга ёрдам беради. [3]

Бундан ташқари, безорилик жиноятини тергов қилиш бўйича хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини қонунчилигига ва тергов амалиётига жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларнинг безорилик жиноятини тергов қилиш методикаси ва тушунчасига нисбатан назарий-ҳуқуқий ёндашувларини таҳлил қилиш, уларни ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш методикасини, тактикасини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш амалдаги жиноят қонунчилигимизда амал қилинаётган механизм самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатади.

А.Х.Саидовнинг таъбири билан айтганда, қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, бир томондан, чет элда асосий муаммони ҳал қилишда ўзини оқлаган фойдали омилларнинг барчасини аниқлашга кўмаклашса, бошқа томондан хориж тажрибасининг салбий томонларини, у ёки бу ҳуқуқий ечимларнинг самарали эмаслигини ҳисобга олиш учун имконият яратади. [4]

Безорилик жиноятини тергов қилиш соҳасида АҚШ, Буюк Британия, Венгрия, Жанубий Корея, Ирландия, Испания, Россия Федерацияси, Франция, Хитой, Чехия, Швейцария, Ҳиндистон каби давлатлар етакчи ҳисобланса, МДҲ давлатларининг тергов амалиётидан ҳам ижобий жиҳатларни олиб миллий тергов амалиётига татбиқ қилиш безорилик жиноятини фош этиш ва тергов қилишни такомиллаштиришда самарали бўлади деб ҳисоблаймиз.

Хориж қонунчилигининг муайян ҳуқуқий шарт-шароитларини ўрганишда давлатимиз ва жамиятимизга хос ҳуқуқий, ижтимоий ва сиёсий хусусиятлари инобатга олиниши зарур.

Безорилик жиноятларини тергов қилишда илғор хорижий тажрибалардан бир бу шубҳасиз АҚШ тажрибаси ҳисобланади. Чунки, АҚШда кўп йиллар олдин инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари соҳасида, хусусан жиноятларни тергов қилиш соҳасида бу давлат энг етакчилардан бири ҳисобланади. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:



биринчидан, АҚШда кўп йиллик фуқароларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги деган тушунчалар қадриятга айланган (буни биз марҳум жинойтчи Жорж Флойднинг уни ушлаш чоғида ўлдирилиши мисоли кўрсак ҳам бўлади). [5]

иккинчидан, фуқаролар ва давлат органларида ҳуқуқий маданиятнинг тарихий шаклланганлиги;

учинчидан, жинойтларни тергов қилиш соҳасига фан нуқтаи назаридан ёндашилиши;

тўртинчидан, безорилик жинойтларини тергов қилишда илм-фан техникаларидан фойдаланиши.

М.З.Зиёдуллаевнинг фикрича АҚШ полицияси европа давлатларида мавжуд бўлган тизимлардан “пастдан юқорига қараб” шаклланганлиги билан фарқ қилади. [6]

АҚШда безорилик жинойтини содир этган гумон қилинувчидан тўғри кўрсатув олишда “Сўроқ қилишда гумон қилинувчини сизга қарашга мажбур қиладиган 5 тактика” деб номланган сўроқ қилиш усули қўлланилади. Унга кўра, терговчи сўроқ қилинаётган гумон қилинувчига “менга қаранг” дейишнинг ўрнига унинг душманона муносабатини камайтириш ва улар ҳақиқатни айтиши мумкин бўлган психологик муҳит ўрнатиш учун куйидаги бешта тактика қўлланилади.

биринчи тактика, гумон қилинувчига фазовий савол бериш. Фазовий савол – гумон қилинувчи осонлик билан “ҳа” деб жавоб бериши мумкин бўлган савол. Масалан, “Сизга савол бера оламанми?”, “Ҳеч ким мукамал эмас деган фикрга қўшилмасми?”, “Ҳаётда ҳаммамиз хато қиламиз, тўғрими?”, Агар гумон қилинувчи жинойт содир этишдан олдин спиртли ичимлик истеъмол қилган бўлса, у ҳолда бу каби саволларни куйидагича бериш мумкин: “Майк, агар бизда озгина спиртли ичимлик ичиш керак бўлса, биз одатда ҳеч қачон қилмаган нарсаларни қилишимиз ёки айтишимиз мумкин деган фикрга қўшилмасми, тўғрими?”, “Бир оз кўп ичганимда бошқача ҳаракат қилганимни биламан ва бу ҳаммамизда содир бўлади, тўғрими?” ушбу ва шунга ўхшаш саволларга гумон қилинувчига нозик таъсир қилади ва унинг терговчи билан психологик алоқа ўрнатишига сабаб бўлади;

Мазкур тактикада берилаётган саволлар йўналтирувчи саволлар сирасига кирса-да, бу саволлар гумон қилинувчи (айбланувчи)ни сўроқ қилишдан олдин, у билан психологик алоқа ўрнатиш учун муҳим ҳисобланади.

иккинчи тактика, овоз оҳангни ўзгартириш – юмшоқ ва секинроқ гапириш. Терговчининг овоз оҳангини ўзгартириши гумон қилинувчи фикрида раҳм-шафқат ва самимийликни шакллантиради;

учинчи тактика, гумон қилинувчига яқинлашиш. Терговчи ва гумон қилинувчи орасидаги масофа муҳим аҳамиятга эга. Аксарият сўроқлар терговчининг гумон қилинувчининг тўғридан-тўғри, одатда “ижтимоий масофа” деб аталадиган тахминан беш метр (хонанинг кенлигидан келиб чиқса ҳам бўлади) нарида ўтириши билан бошланади. Агар сўроқ пайтида гумон қилинувчи бошқа томонга қарай бошласа, эътиборни қайтаришнинг яна бошқа бир самарали тактикаси гумон қилинувчига бироз яқинлашишдир. Креслода бир неча метр олдинга силжиш терговчини ижтимоий зонадан шахсий зонага ўтказиши. Гумон қилинувчи бу ўзгаришни сезади ва одатда терговчига қарайди;



тўртинчи тактика, мавзуни ихчамлаштириш. Мавзуни ишлаб чиқиш жараёнида гумон қилинувчига таклиф қиладиган психологик ва ахлоқий асосларни умумлаштириш бўйича аксарият ҳолатларда гумон қилинувчини мурожаатимизга эътиборини қаратишга ва кўз билан алоқани тиклашга олиб келади.

бешинчи тактика, кўз билан алоқа қилишга ҳаракат қилиш. Гапираётганда гумон қилинувчига қарасангиз, унга ҳурмат ва ишонч билдирасиз. Гумон қилинувчи терговчи билан кўз алоқасини узганда, терговчи стулда олдинга эгилиб, кўз билан алоқани тиклаш учун унинг кўзига қараши лозим. Секин-аста тик ҳолатга қайтиш у билан алоқани сақлаб туришга олиб келади.

Ушбу тактикаларнинг ҳар қандай сони гумон қилинувчини терговчи билан кўз билан алоқа қилишига ундайди. Ушбу тактикалар қўлланилганида, улар терговчини тинглашади ва ҳақиқатни айтиш уларнинг манфаатларига мос келишини ўйлайди. Ушбу тактикаларни барчасини қўллаш ҳамда гумон қилинувчига одоб ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши муҳимдир. [7]

АҚШда безорилик бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун махсус сертификатларга эга бўлган терговчилар мавжуд бўлиб, улар қуйидагича таснифланган:

- жиноят жойи бўйича сертификатланган терговчи;
- жиноят жойи бўйича сертификатланган таҳлилчи;
- жиноят жойини қайта қуриш бўйича сертификатланган шахс;
- жиноят жойи бўйича сертификатланган катта таҳлилчи.

АҚШда безорилик жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

Ҳодиса жойининг чегарасини аниқлаш. Ушбу босқичда терговчи дастлаб ҳодиса жойининг “фокус нуқтаси”ни ва унинг асосий майдонини аниқлайди. “Фокус нуқта”дан келиб чиқиб, терговчилар мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча тегишли моддий далилларни ўз ичига олиши мумкин бўлган каттароқ ҳудудни ажратиб оладилар. Чунки, далилларни йўқ қилинганлигини ёки шикастланганлигини аниқлашдан кўра ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида қисқартиришни афзал қилишади.

Хавфсизликни ўрнатиш. Терговчининг фикрига кўра, ҳодиса жойига кирган ёки ундан чиққан ҳар бир шахс ҳодиса жойига материал қўшади ёки олиб ташлайди. Шунинг учун ҳудудни тезда ҳимоя қилиш муҳимдир. Ҳодиса жойини киришни назорат қилиш учун сариқ рангли лента ёки бошқа воситалар билан ҳимоя қилиш лозим.

Режалаштириш, мулоқот қилиш ва мувофиқлаштириш. Терговчилар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан олдин биринчи навбатда содир этилган ҳуқуқбузарлик турига оид назарияни ишлаб чиқишлари керак. Чунки, жиноят турини билиш терговчиларга мавжуд бўлиши мумкин бўлган далилларни олдиндан билишга ёрдам беради. Бу гувоҳлар ёки бошқа манфаатдор шахслардан маълумот тўплашни талаб қилиши мумкин. Ушбу маълумотларга асосланиб, ҳодиса жойидаги терговчи об-ҳаво шароити, кун вақти ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда далиллар тўплаш стратегиясини ишлаб чиқади.

Бирламчи текширувни ўтказиш. Далилларни тўплашга устувор аҳамият бериш учун ҳодиса жойининг дастлабки текшируви ўтказилади. Ушбу текширув давомида



етақчи терговчи далилларни аниқлайди, намуналар олади ва ҳодиса жойи ҳамда далилларнинг фотосуратларини олади.

Ҳодиса жойини ҳужжатлаштириш ва қайта ишлаш. Терговчи режага эга бўлган ҳолда ҳодиса жойи бўйича исботловчи далилларни тўплаган ҳолда ҳодиса жойини пухта, мувофиқлаштирилган текширишни амалга оширади. Бу жараён рақамли ва видеокамералар, агар мавжуд бўлса 3Д сканер ёрдамида кўздан кечирилади. Далилларни тўплаш жараёнида “3Д сканер” имкониятларидан кенг фойдаланиш далилларни топиш ва олишга катта ёрдам беради.

Иккиламчи кўздан кечириш ўтказиш. Ҳодиса жойи тўлиқ кўздан кечирилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун сифат назорати босқичи сифатида ҳудуднинг иккинчи текшируви ўтказилади.

Далилларни ёзиб олиш ва сақлаш. Барча далиллар ҳисобга олинганлигига ишонч ҳосил қилиш учун инвентаризация журнали тузилади. Журналга қайд этилган тавсифлар ҳодиса жойидан олинган далилларнинг фотосурати ва ҳодиса содир бўлган жой баённомасига киритилган тавсифга мос бўлиши керак. Масалан, агар қурол топилган бўлса, журналдаги ўқотар қуролнинг серия рақами ҳодиса жойидан олинган фотосуратда кўрсатилган серия рақамига мос келиши керак. [8]

АҚШнинг Миссури жанубий штати университети, жиний адлия профессори Грег Дагнаннинг тадқиқотлари бизни қизиқтирди. У ўзининг 16 йиллик тадқиқотлари натижасида безорилик бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни уч даражали қидирувга ажратган. [9]

Биринчи даражали қидирув. Бу энг асосий ва юзаки қидирув бўлиб, унда жиноят содир бўлган жойни текширув учун энг самарали бўлган қидирув схемаси танланади. Масалан, кичкина квартира учун “зона” қидирув, катта очиқ майдон учун эса “тор” қидирув танланиши мумкин. Бунда бир қидирув йўналишини икки офицер навбатма-навбат амалга оширади. Шунда бошқа кўзлар ҳар бир қидирувни кўриб чиқади. Ушбу қидирувда ҳодиса жойидаги ҳеч нарсага тегилмасдан, ҳодиса жойида ҳеч қандай объектни ҳаракатлантirmасдан аниқланиши мумкин бўлган далиллар изланади. Топилган барча далиллар олиниб, қадоқланганидан сўнг иккинчи даражали қидирувга ўтиш мумкин.

Иккинчи даражали қидирув. Ҳодиса содир бўлган жой яхлитлиги сақлаб қолинади. Бунда хонадаги мебелларнинг эшиклари очилади, мебеллар остки қисмлари қидирилади, баъзи бир тортмалар эшиклари очилиши мумкин. Бунда иккинчи даражали далиллар қидирилади ва расмийлаштирилади. Сўнг учинчи даражали қидирувга ўтилади.

Учинчи даражали қидирув. Бунда ҳодиса жойидаги ҳар битта нарса текширилади. Шкаф ва мебелларнинг ичидаги барча нарса ва буюмлар, унинг чўнтақларигача кўриб чиқилади. Топилган барча нарса ва буюмлар расмийлаштирилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, АҚШда нафақат безорилик учун, балки кибербезорилик учун ҳам жиний жавобгарлик белгиланган.

Кибербезорилик – бу мобиль телефон ва бошқа қурилмалар орқали онлайн тарзда содир бўладиган безорилик.



Кибербезорилик бошқа биров ҳақида салбий, зарарли, ёлғон ёки шафқатсиз хабар юбориш ёки улашиш киради. Бу шармандалик ёки камситишга олиб келадиган бошқа биров ҳақидаги шахсий маълумотларни алмашишни ҳам ўз ичига олади.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, кибербезорилик қуйидаги жойларда энг кўп содир этилади:

“Facebook”, “Instagram”, “Snapchat” “Tik Tok” каби ижтимоий тармоқлар;

Мобиль ёки планшет қурилмаларида матнли хабар юбориш ва хабар алмашиш иловалари;

Интернет орқали тезкор хабар алмашиш, тўғридан-тўғри хабар алмашиш ва онлайн суҳбат;

Онлайн форумлар ва суҳбат хоналари;

Электрон почта.

Кибербезорилик қуйидаги усулларда содир этилади:

интернетда кимдир ҳақида ёмон, ҳафа қиливчи ёки уятли шарҳлар ҳамда миш-мишларни жойлаштириш;

бирор кишини ҳафа қилиш учун таҳдид қилиш ёки ўзини ўлдиришни айтиш;

шахсни ранжитувчи расм ёки видеони жойлаштириш;

бошқа биров ҳақидаги шахсий ёки ёлғон маълумотларни жойлаштириш учун интернетда ўзини бошқа одамдек кўрсатиш;

ҳар қандай ирқ, дин, этник келиб чиқиш ёки бошқа шахсий хусусиятлар ҳақида ёмон ёки нафратли исмлар ҳамда шарҳларни интернетда жойлаштириш;

кимдир ҳақида ёмон веб-сайт яратиш;

бирор бир шахсдан қасос олиш мақсадида шахсинг шахсий маълумотларини, шу жумладан манзиллари, ижтимоий ҳимояси, кредит картаси ва телефон рақамлари, ҳавадаларини очиқ қилиш орқали шахсий ҳаётига таҳдид қилиш. [10]

Назаримизда бугунги ижтимоий тармоқлар ривижланган замонда мамлакатимизда ҳам кибербезорилик учун жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Ҳиндистон тажрибасини ўрганиш ва уни тергов амалиётига жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, Ҳиндистонда тергов жараёни 1996 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал ва тергов қонунининг амалиёт кодекси доирасида амалга оширилади.

Тергов амалиётига кўра безорилик ҳақида полицияга хабар келиб тушган тақдирда, терговчи аввало қуйидагиларни аниқлаши лозим: таҳдид, хавф ва зарар аниқлаш; гумон қилинувчи шахсни аниқлаш; ҳодиса содир бўлган жойни аниқлаб, уни кўриқлаш чораларини кўриш; далилларни аниқлаш ва сақлаш; аслида нима бўлганлигини аниқлаш; ёрдамга муҳтож бўлганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш; безориликнинг сабабларини аниқлаш ва унга барҳам бериш.

Жиноят-процессуал ва тергов қонунининг амалиёт кодексида олтин соат тушунчаси мавжуд.

Олтин соат – бу ҳуқуқбузарлик ёки ҳодиса тўғрисида хабар берилганидан сўнг дарҳол ижобий чора кўриш керак бўлган давр. Бунда яширилиши, йўқотилиши, шикастланиши, ўзгартирилиши ёки йўқ қилиниши мумкин бўлган материалларни



ҳимоя қилиш, сақлаш ёки тўплашни ўз ичига олиши мумкин. Олтин соат давомидаги самарали ҳаракатлар гумон қилинувчини аниқлаш, жабрланувчи ва гувоҳларни ҳимоя қилиш имкониятини оширади ва жиной оид судловнинг ижобий натижаларини таъминлашга ёрдам беради. [11]

Ҳиндистон тергов тажрибасининг қизиқарли жиҳатларидан яна бири бу ҳар бир жинойт иши бўйича тўпланган далиллар қуйидаги жадвалга солган ҳолда баҳоланади:

	Нима маълум	Нима номаълум	Можаролар	Мувофиқликлар
Нима				
Қачон				
Қаерда				
Нима учун				
Қанақасига				

Терговчилар мазкур формулани филтрдан фойдаланган ҳолда жинойт иши бўйича шахсни айблаган далиллар етарлими ёки йўқлигини аниқлаш билан бирга жинойт ишидаги бўшлиқларни ёки кейинги тергов ҳаракатлари аниқлашлари мумкин. [12]

Назаримизда ушбу амалиётни мамлакатимиз ички ишлар органларидаги тергов бўлинмалари фаолиятида ҳам жорий қилиш самарали бўлади.

Россия Федерациясида бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган безориликни тергов қилишда қуйидагилар аниқланиши лозим:

жабрланувчи ким?, унинг шахсини тавсифловчи ҳолатлар (жабрланувчини ва унинг танишларини сўроқ қилиш);

гумон қилинувчи ким?, унинг шахсини тавсифловчи ҳолатлар (гумон қилинувчини ва жабрланувчини сўроқ қилиш);

жабрланувчи ва айбланувчилар ўртасида муносабатлар қандай бўлган (жабрланувчи, айбланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш);

жабрланувчига етказилган мулкий зиён миқдори (жабрланувчини сўроқ қилиш ва судга оид баҳолаш экспертизасини тайинлаш);

жабрланувчи танасида тан жароҳатлари мавжудлиги (гувоҳлантириш ва суд-тиббий экспертизасини тайинлаш);

жабрланувчига зарар етказилганлигини кимдир кўрганми (гувоҳларни сўроқ қилиш);

гумон қилинувчининг иш ёки яшаш жойида безориликни содир этишда фойдаланилган нарса ва буюмлар борми (ушлаб туриш, тинтув, шахсий тинтув ва олиб қўйиш);

жамиятда юриш-туриш қоидаларини бузиш нимада намоён бўлди (ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш);

ўзганинг мулкига зарар етказилганми (ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва гувоҳларни сўроқ қилиш);

биронинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилишдан мақсад нима эди (ҳодиса жойини кўздан кечириш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш);



безориликни содир этиш ва яшириш учун қандай ҳаракатлар қилинган (ҳодиса жойини кўздан кечириш, жиноий гуруҳ аъзоларини сўроқ қилиш, гувоҳларни сўроқ қилиш);

безорилик содир этилишидан олдин қандай ҳодисалар содир бўлди (гумон қилинувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш);

безориликни кўрган гувоҳлар мавжудми (жабрланувчини сўроқ қилиш);

безорилик содир этилган жой ёки унинг атрофида видеокузатув воситалари мавжудлиги;

безориликни ким содир этган (жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш, ҳодиса жойини кўздан кечириш, видеокузатув воситаларини кўздан кечириш);

безориликни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги ҳақида белгилар мавжудми (ҳодиса жойини кўздан кечириш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш);

ҳодиса жойида жиноят содир этган шахсни аниқлаш учун излар мавжудми (ҳодиса жойини кўздан кечириш, махсус билимлардан фойдаланиш);

айбнинг шакли ва безорилик мотиви қандай (ҳодиса жойини кўздан кечириш, гумон қилинувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш);

безорилик иштирокчилари орасида ролларни тақсимлаш мавжудми (гувоҳлар ва жиноий гуруҳ аъзоларини сўроқ қилиш);

безорилик содир этилганда жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бири томонидан қандай аниқ ҳаракатлар амалга оширилди (жабрланувчи, гувоҳ ва жиноий гуруҳ аъзоларини сўроқ қилиш). [13]

Безориликка қарши курашишда Япония тажрибаси бизнинг диққатимизни ўзига тортди. Хусусан, Японияда 2023 йил 28 сентябрда “Безориликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Мазкур қонун фақатгина кўчаларда, яъни жамоат жойларида содир этиладиган безориликни эмас, балки ўқув даргоҳларида ҳам содир этилиши мумкин бўлган безориликларни олдини олишга хизмат қилади.

Сейшел оролларида Викторияда “Броди қонуни” номи билан танилган зўравонликка қарши курашиш қонуни 2011 йил июль ойида бошланган ва жиддий зўравонликни 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланадиган жиноятга айланган қонун ҳисобланади. Қонуннинг бундай номланишига ўз иш жойида тинимсиз зўравонликка дучор бўлган ёш аёл ўз жонига қасд қилганидан сўнг жорий этилган. Ҳозирда безориликдан жабр кўрган одамлар учун 24 соат давомида 1800 819 817 рақами орқали маслаҳат ва ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Мазкур қонун жамиятдаги зўравонликнинг барча шакллариغا, жумладан, жисмоний зўравонлик, психологик зўравонлик, оғзаки зўравонлик ҳамда кибербезориликка нисбатан қўлланилади. Эътиборли жиҳати эса, ушбу қонун жамиятнинг исталган жойида, масалан, иш жойлари, мактаблар, спорт клублари ва интернетда, шу жумладан ижтимоий тармоқ сайтларида содир бўладиган безориликка нисбатан қўлланилади. [14]

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, юқоридаги давлатларда безориликни тергов қилиш борасида катта фарқ мавжуд эмас. Тергов қилишнинг самарадорлиги аксарият ҳолатларда терговчининг касбий маҳоратиغا, махсус билим ва замонавий фан-



технологиялар ютуқларидан фойдалана олишига боғлиқдир. Шундай экан, юқоридаги давлатларнинг илғор тажрибаларини ва ижобий жиҳатларни ўрганиш ва тергов амалиётига татбиқ этиш самарали бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларгамўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” ПФ-60 сонли Фармони. <https://lex.uz/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.20.12.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
3. Гордеев С. Н. Организация розыскной работы правоохранительных органов (зарубежный опыт) // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2016. № 3. С. 141.
4. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности): Учебник для вузов. – М., 2000. – С. 36-37.
5. History of Black Lives Matter. URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/Black_Lives_Matter.
6. Зиядуллаев М.З. Зарубежный опыт системы охраны общественного порядка и профилактики правонарушений в населенных пунктах// Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2017. № . С. 43.
7. Investigations/articles/5-tactics-to-get-a-suspect-to-look-at-you-during-an-interrogation. Электрон манба: <https://www.police1.com>. _Мурожаат қилинган сана: 22.08.2023 йил
8. <https://www.forensicsciencesimplified.org/csi/how.html>
9. <https://www.crime-scene-investigator.net/SearchingStages.html>
10. <https://www.stopbullying.gov/cyberbullying/cyberbullying-tactics>
11. https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/447967/code-of-practice-approved.pdf
12. <https://www.college.police.uk/app/investigation/investigation-process>
13. А.Е. Мукажонов “Использование программно-целевого метода в процессе расследования хулиганства, совершенного группой лиц”, Вестник Краснодарского Университета Мвд России 2019 г.
14. <https://www.justice.vic.gov.au/saynotobullying>